



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 йил – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 10 февраль, № 31 (8093)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ

### СЎНМАС ҚУЁШИ



Буюк шoir ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 581 йиллиги муносабати билан Адиблар хибонидаги шoir ҳайкали пойида адабий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ёдгорлик олдидидаги майдонда давлат ва жамоат арбоблари, шoirлар, ёзувчилар, адабиётшунослар, тилшунослар, олий ўқув юртлири ўқитувчи ва талабалари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда хорижлик меҳмонлар жам бўлди. Хибонда шoir ғазаллари билан айтиладиган мумтоз ашулалар ва мақом куйлари янграб турди.

#### Эҳтиром

Тадбирда Алишер Навоий даҳо иждокор, миллатимиз қудратининг тимсоли, маънавиятимизнинг сўнмас қуёши сифатида дунё аҳли томонидан эъзозлаб келинаётгани таъкидланди. Кейинги йилларда мамлакатимизда улуг мутафаккир меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этиш борасидаги ишлар янги кўлам ва босқичга кўтарилгани кайд этилди. Хусусан, Алишер Навоий ордени таъсис этилгани мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда мутафаккир шoirнинг ўлмас меросига қай даражада юксак эътибор қаратилаётгани яққол исботлайди.



#### Ҳамкорлик

### ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Истанбулда Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгашининг ўн иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиснинг очилишида Оқсоқоллар кенгаши раиси Бинали Йилдирим, Туркий давлатлар ташкилоти Бош қотиби Бағдад Амреев ва ташкилотга аъзо давлатлар — Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон оқсоқоллари сўзга чиқди. Мажлисида Ўзбекистон томонидан Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаев иштирок этди. Тадбирда ҳозирги вақтда ташкилот томонидан олиб борилаётган ҳамкорлик ишлари ҳамда 2021 йил 12 ноябрь куни Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти 8-саммитида давлат раҳбарлари томонидан қабул қилинган қарорлар ижроси кўриб чиқилди. Айни чоғда Оқсоқоллар кенгашининг янгиланган низоми ва оқсоқоллар ролини кучайтириш чора-тадбирлари ҳамда бошқа масалалар муҳокамалар марказида бўлди.

Ўз навбатида, Туркий давлатлар ташкилоти тегишли тузилмаларининг самарали ҳамкорлиги ҳамда фаолиятини мувофиқлаштириш, иштирокчи мамлакатлар ўртасида маданий ва ижтимоий соҳаларда ўзаро алоқаларни ривожлантириш бўйича "Йул харитаси"ни яратиш мақсадга мувофиқлиги алоҳида кайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида туркий тили мамлакатларда 2022 йил "Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилиниши муносабати билан унинг доирасида тадбирлар ўтказиш масаласи ҳам таҳлил қилинди.

Мажлис яқунлари бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда 2022 йилнинг иккинчи ярмида Қирғизистон Республикасида ўтказилиши режалаштирилган Оқсоқоллар кенгашининг 13-мажлиси санаси белгиланди.

«Халқ сўзи».

#### Нуқтаи назар

### ҲАР БИР МАМЛАКАТНИНГ ЎЗИГА ХОС РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ МАВЖУД

Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос ривожланиш қонуниятлари мавжуд. Бугун дунё мамлакатлари тараққиёти глобаллашув шароитидаги ижтимоий-сиёсий муҳитнинг таъсири билан бўлган кечмоқда. Ўзбекистон ҳам жаҳон ҳамжамиятида тобора мустақкам ўрин эгалламоқда.

...2021 йил 24 октябрда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнида Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз вилоятларида сайловчилар билан очиқ мулоқот

тарзида ўтказилган учрашувларда "Янги Ўзбекистон" ғоясини илгари сурди ва ушбу ғояни амалга ошириш бўйича харакатлар стратегиясини асослаб берди.

#### «The National Interest»:

### ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УЛКАН ДАСТУРИНИ ИШГА ТУШИРДИ



Американиннг нуфузли "The National Interest" журналида "Ўзбекистон адолатли иқтисодиёт қура оладими?" сарлавхали мақола чоп этилди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган самарали иқтисодий ислохотларга ижобий баҳо берилган.

Мақолада таъкидланишича, Ўзбекистонда 2016 йилдан буён ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мисли қўрилмаган дастурини амалга оширишга киришилди. Молиявий ва таркибий ислохотлар билан бир қаторда, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ҳукуматнинг ҳисобдорлиги ва шаффоқлигини ошириш, минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ва бутун дунёга янада очиклиқни таъминлаш сиёсати олиб борилмоқда.

#### Дунё нигоҳи

Муваффақиятли қадамларнинг давомийлиги натижасида Тошкент нафақат Марказий Осиёнинг иқтисодий раванкига, балки қўшни Афғонистон ва минтақада барқарорлиқни таъминлашга ҳам ўз хиссасини қўшади.

Мақолада мамлакатдаги ислохотларнинг натижадорлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам муштарийлар эътиборига ҳавола қилинган: "Мамлакат COVID-19 пандемияси даврида таназзулни енгиб ўтди ва 2021 йилда республика иқтисодиёти ўсишга эришди. Нархларни қисман эркинлаштириш ва ички ҳамда халқаро савдо

йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш бўйича ислохотлар туфайли Ўзбекистон иқтисодий пасайишни четлаб ўтган дунёдаги кам сонли иқтисодиётлардан бирига айланди".

Бу борадаги ютуқлар ҳақида маълумот берар экан, "Бугун мамлакат бўйлаб ривожланишга қаратилган фаол ислохотлар натижасида 2021 йилда ЯИМ ўсиши 7,4 фоизга етди, 100 минг янги тадбиркорлик субъекти ва 700 минг аҳоли ўзини ўзи иш билан банд қилди", дея давлатимиз раҳбарининг сўзларидан иқтибос келтирилади нашрда.

#### «Ҳукумат соати»

### Халқ таълими тизимининг Ягона бошқарув платформаси ишлаб чиқилди

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги "Ҳукумат соати" бўлиб ўтди.

Унда халқ вакиллари "Мақтабларда ягона "Электрон таълим" тизимини жорий қилиш ва масофавий таълимни самарали ташкил этиш тўғрисида"ги масалани муҳокама қилди. Мазкур масала юзасидан депутатларнинг саволларига халқ таълими вазири Б. Саидов жавоб берди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда юртимизда таълим-тарбия тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқувчиларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш, соҳани замон талаблари асосида модернизация қилиш борасида тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Хусусан, умумтаълим мактабларидаги интернет тармоғи ва улардаги мавжуд компьютер техникаси-

ни онлайн мониторинг қилиш мақсадида ягона "Электрон таълим тармоғи" ахборот тизими ишлаб чиқилди. Мазкур ахборот тизими Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур туманида таъриба-синовдан ўтказилиб, ўтган давр мобайнида 2 мингта мактабга белгиланган тартибда ўрнатилди. 2022 йилда эса 3 минг 200 дан ортиқ умумтаълим мактабларига ўрнатиш режалаштирилган.

#### Таҳририят почтасидан:

### «БЎЗАТОВ – ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ ШВЕЙЦАРИЯСИГА АЙЛАНА ОЛЯПТИМИ?»

Таҳририятимизга "Халқ сўзи" газетасининг 2022 йил 21 январь сонидан чоп этилган "Бўзатов – Қорақалпоғистоннинг Швейцариясига айлана оляптими?" сарлавхали танқидий мақола юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ҳамда Сув ҳўжалиги вазирликларида жавоб хатлари келди.

#### БЎЗАТОВ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ ШВЕЙЦАРИЯСИГА АЙЛАНА ОЛЯПТИМИ?



#### Аччиқ, ammo очиқ гаплар

Давлатимиз билан Бўзатов туманида янги шаҳар қурилади. Бу ҳақида маълумот берилди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги ПҚ-4666 ва 2021 йил 22 июндаги ПҚ-5157 сонли қарорлари асосида Бўзатов тумани ҳокимлиги ҳисобидан клиник ординатурада 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб анестезиология-реаниматология, эндокринология, онкология, педиатрия ва бошқа ихтисослашган бўйича талабалар таълим олмақда. Бу кадрлар келажақда Бўзатов тумани аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишга йўналтирилади.

Хусусан, соғлиқни сақлаш вазири М. Қурбонов имзоси билан юборилган маълумотга кўра, мақолада айтиб ўтилган Бўзатов туманидаги Кўкшййел қишлоғида қишлоқ врачлик пункти 2017 йилга қадар фаолият кўрсатиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги сабабли ушбу қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш тумандаги 28-сонли қишлоқ оилавий поликлиникасига ўтказилган.

Бирок Кўкшййел қишлоғи мазкур оилавий поликлиниканинг хизмат кўрсатиш радиусидан анча йироқда жойлашган. Шу туфайли бу ерда янги шифокорлик пункти қуриш бўйича тавсиялар киритилиб, қурилиш ишларини жорий йилнинг иккинчи чорагида амалга ошириш масаласи ижобий ҳал этилди.

Туманда тиббий эҳтисодида кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш борасида ҳам чоралар белгиланган. Айни пайтда туман тиббиёт бирлашмасида жами 89 ставка штат бир-

лигида иш ўрни мавжуд бўлиб, шундан фақат 57 таси банд. 25 нафар шифокор асосий ўринда, 48 нафар шифокор эса ўриндошлик асосида фаолият юритмоқда. Умумий амалиёт шифокори, акушер-гинеколог, гематолог, эндокринолог, психоневролог, онколог, травматолог, уролог, хирург, нарколог, гастроэнтеролог, терапевт, педиатр, пульмонолог, аллерголог, нефролог, болалар неврологи, ЭКГ ва УТТ шифокорлари етишмайди.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги ПҚ-4666 ва 2021 йил 22 июндаги ПҚ-5157 сонли қарорлари асосида Бўзатов тумани ҳокимлиги ҳисобидан клиник ординатурада 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб анестезиология-реаниматология, эндокринология, онкология, педиатрия ва бошқа ихтисослашган бўйича талабалар таълим олмақда. Бу кадрлар келажақда Бўзатов тумани аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишга йўналтирилади.





